# Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!


# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 1-yanvar № 1-2 (3039) yakshanba








Мустақиллик майдонида бўлиб ўтаётган Янги йил шодиёналаридан лавҳалар

# Ўзбекистон халқига янги йил табриги

*Азиз ватандошлар!*

*Муҳтарам дўстлар!*

*Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб, янги йилни кутиб олаётган сиз азизларни, бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.*

*Мана шу шукуҳли дамларда якунига етаётган 2011 йилни кузатар эканмиз, мамлакатимиз тараққиётида рўй берган улкан ўзгариш ва янгиланишлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар қаторида ўз оиламиз ва яқинларимиз бошидан кечирган ташвиш ва муаммолар, янгилик ва хурсандчилик етказган кунлар барчамизнинг кўз ўнгимизда беихтиёр намоён бўлиши табиийдир.*

*Ўйлайманки, ҳаммамиз бир фикрга қўшиламиз — 2011 йил энг аввало эл-юртимизни янги, обод ва озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга бошлаган буюк тарихий ва қутлуғ сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш йили бўлгани билан хотирамизда сақланиб қолади.*

*Шу маънода, 2011 йилни биз босиб ўтган 20 йил мобайнида халқаро майдонда тан олинган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган, юртимизнинг, ўлкамизнинг қиёфасини тобора ўзгартириб бораётган мамлакатимиз тараққиёт йўлининг узвий бир қисми, мантиқий давоми, деб қабул қилсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси йилнинг келиши ўзига хос хусусиятлари, табиат ва ҳарорат инжиқликлари ва ўзгаришлари, сув танқислиги ва турли аломатлари билан бир-биридан ажралиб туради. Лекин, поёнига етаётган йил қандай қийинчилик ва мураккаблик келтирмасин, 2011 йил мамлакатимиз ва халқимиз учун самарали ва хссиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.*

*Дунёдаги энг нуфузли молиявий ташкилотлардан бири бўлмиш Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этиши ва салбий таъсир ўтказишига қарамасдан, Ўзбекистон саноқли давлатлар қаторида 2011 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоизга ўсишини таъминлаб, шу асосда охирги 5-6 йил давомида иқтисодиётимизнинг барқарор юқори суръатлар билан ривожланиши бежиз эмаслигини исботлаб берди.*

*Жорий йил давомида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.*

*Ўтган давр мобайнида илгари фақат орзу қилиш мумкин бўлган марраларга эришганимиз аввалambор биз танлаган йўлнинг ҳар томонлама тўғри эканини тасдиқлаб бермоқда. Хусусан, иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлмиш янги ишлаб чиқариш тармоқларига асос солганимиз, ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилгани, ёқилғи-энергетика, тоғ-кон саноати, кимё, автомобилсозлик, капитал қурилиш, транспорт ва коммуникация, енгил саноат каби етакчи тармоқларнинг жадал ривожланиб бораётгани ана шундай ютуқларга мустаҳкам пойдевор бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Айниқса, фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг бу йилги мавсумда оғир табиий қийинчиликларни мардонавор енгиб, 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта хирмони бунёд этгани, 8 миллион 200 минг тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштириб, янги йилни ёруғ юз билан кутиб олаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.*

*Иқтисодиёт соҳасида биз эришган ана шундай салмоқли натижалар ўз навбатида 2011 йилда иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,2 фоизга, пенсиялар 26,2 фоизга кўпайиши, аҳолининг реал даромадлари эса 23,1 фоизга ошиши учун имкониятлар туғдириб берганини алоҳида қайд этиш зарур.*

*Шу борада 2011 йилда иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб бериш ҳисобидан мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилгани бандлик масаласини ҳал қилишда муҳим қадам бўлди.*

*Якунига етаётган йил инсон манфаатини биринчи ўринга қўядиган улкан устувор лойиҳаларни амалга оширганимиз билан ҳам тарихимизда муносиб ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги амалий ишларимиз натижасида одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ошгани, оналар ва болалар ўлими кескин камайгани, биз қўлга киритган бундай ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилаётгани албатта барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.*

*Биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида 2011 йилда бажарган улуғвор ишларимиз, уларнинг самараси ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Энг муҳими, ана шундай беқиёс имкониятлардан баҳраманд бўлиб, тобора Ватанимиз истиқболини белгилаб берадиган ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган навқирон ўғил-қизларимиз ўзининг дастлабки, умидбахш ютуқлари билан барчамизни қувонтирмоқда.*

*Шу ҳақда гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Кўпни кўрган, заҳматкаш халқимизнинг машаққатли меҳнати эвазига эришган, тасаввур этишнинг ўзи қийин бўлган бундай юксак марраларимизнинг пойдевори, энг катта бойлигимиз бўлмиш — юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сезгир бўлиб яшаш, ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш ҳозирги кунда нақадар долзарб ва муҳим вазифага айланаётганини унутмаслигимиз даркор.*

*Азиз дўстларим, қадрдонларим!*

*Биз кириб келаётган янги — 2012 йилга мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном берганимиз бежиз эмас, албатта. Бунинг негизида юртимизда оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.*

*Янги — 2012 йилга мўлжалланган режаларимизда Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми юқорида зикр этилган соҳаларни таъминлашга, аввало соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилган. Иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 20 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 22-24 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.*

*Янги йилда икки йил олдин бошланган ва халқимизни, аввалambор қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг келажагини ўйлаб амалга оширилаётган, бутун жамиятимизнинг эътибор марказида турган, яъни қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммунал-маиший шароитларни яратишга қаратилган дастурни давом эттириш кўзда тутилмоқда. 2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан ҳеч кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.*

*Янги йилга мана шундай олижаноб мақсадлар билан қадам қўяр эканмиз, кириб келаётган йилда барча холис ниятларимиз ижобат бўлғай, иншооллоҳ.*

*Азиз ва муҳтарам ватандошларим!*

*Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги — 2012 йил билан яна бир бор самимий табриклайман.*

*Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда қалбимдан, юрагимдан чиқаётган энг эзгу тилакларни изҳор этаман:*

*кексаларимизнинг умри узоқ бўлсин,*

*опа-сингилларимизнинг чеҳрасидан табассум аримасин,*

*ёшларимизнинг бахту иқболини берсин.*

*Янги йилда ҳам Яратганимиз ҳаммамизни ўз паноҳида сақласин, ўзи асрасин.*

*Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!*

*Янги йил барчамизга муборак бўлсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида

***Оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш, бунинг асносида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамият назоратини ўрнатишда уларнинг ролини ошириш мақсадида:***

1. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан;

таҳририятлар, нашриёт ва босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) беш йил муддатга озод этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмайди.

3. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга;

чоп этилган маҳсулотларни сотишдан, муҳаррирлик хизматлари, полиграфия ва нашриёт хизматларини кўрсатишдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» Жамғармасига нашриёт ва матбаа ташкилотлари тўлайдиган мажбурий ажратмалар миқдори икки фоиздан бир фоизга;

газета, журналлар ва китоб маҳсулотларини чакана сотишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 2 баробарга пасайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2012 йил 1 январдан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриёт ва босмахоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сонини 50 нафардан 100 нафаргача ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 30 декабр

Ishonch
2012-yil 1-yanvar № 1-2 (3039)

Муборак газни қайта ишлаш заводи маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Юртдошларимизни
ва юртимиз меҳмонларини
Янги йил билан самимий
муборакбод этади.
Қувончу шодликлар
билан кириб келган
2012 йил сизу бизга бахт-иқбол,
омад ва фаровонлик
олиб келсин!
Мустаҳкам оила йилида
хонадонингизни хурсандчилик
асло тарк этмасин.

## БАЙРАМНОМА

(Бахшиёна)

**Бугун ҳар ёнда байрам, бутун эл-улус хуррам.**
**Алмашар экан йиллар, ажиб жунбушда диллар.**

*Ёшимизга ёш қўшиб, тилаклар жўшиб-жўшиб, янги йил ҳам келди, муаззам, азиз лаҳзалар...*

*Эски йил, умрим они, қувончим ва армоним... Гоҳида хуш, гоҳ нохуш, гоҳи сароб, гоҳи туш. Ҳаёт ўзи синовдир, имтиҳон беаёвдир. Синалганлар яшайди, униб-ўсиб яшнайди. Шукр, тинч-тотув элим, равнаққа элтар йўлим...*

*Меҳнатсевар халқ бугун, ризқи бут, нони бутун. Изланар оилам деб, ўзбек яшар болам деб...*

*Янги йил, хуш келибсан, сен хушқадам келинсан.*

*Қорбобо-Қорқиз чорлаб, бошда бахт тожи порлаб, сени шодон кутамиз, хурсанд, хушхон кутамиз...*

*Дема: «Бахши нима дер, чўнг мақсади нимадир?»*

*Мақсад бир, муддао бир. Ниятлар бўлди дарё. Бахшилардай бўзлайин, байрамнома сўзлайин.*

*Яхши йил бўлсин дея, янги йилга мадҳия. Озгинаю-созгина ва содда бирозгина. Элга эш эзгу дуо, мақсад шу. Шу — муддао. Тўлиб-тошар тилагим, юртдош, бахтинг тиладим...*

*Оила, маҳалла, қўрғон, маҳкам бўлсин, жипс бўлсин, олтин қўл, тоза иймон элдошларим кўп бўлсин!*

**Акмал АБДИЕВ**

Шукроналик туйғулари

# Авлоддан – авлодга ўтар аҳиллик

***Қишнинг қорли кунлари бошланди.***

***Йил алмашинди. Ҳамма жойда байрам тадориги.***

***Одамлар янги йил билан бир-бирларини самимий қутлашади.***

***— Хайрият, тинч-омон экансиз, учрашганимизга шукр, — дейди улардан бири.***

***— Мен ҳам овозингизни эшитиб қувондим, — дейди бошқаси.***

***Табригу миннатдорликлар шу тарзда давом этаверади. Дилдаги яхши ниятлар тилга кўчади.***

***Гўёки она заминга шу топда қор парчалари эмас, бир дунё оппоқ тилаклар ёғаётгандек...***

## Оила бор, ҳаёт бор

Ҳар бир ибратли воқеани бошқаларга айтишга шошилишимиз керак, деб ўйлайман. Негаки, уларнинг замирида яхшиликка ундовчи ҳаётий ҳақиқат бор.

Асрлар давомида эзгу анъаналаримиз авлоддан-авлодга ўтиб келаётир. Ҳамма даврларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳурмату ишонч билан баҳамжиҳат ҳаёт кечириш оилаларимизда қадриятга айланган. Боболар ҳикматида айтилгани каби:

***Кулфатда, зулматда, оғир дамларда***
***Бир-бирига бўлиб таянч ва далда,***
***Қўл бериши керак инсон, инсонга***
***Йўл бериши керак инсон, инсонга!***

Давлатимиз раҳбари катта минбардан туриб 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қиларкан, «Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди» дея алоҳида таъкидлади.

Аслида ўзбек оиласининг пойдевори мустаҳкам, уларни бақувват устунлар тутиб туради. Ўз қадриятларига суяниб, ўзини тиклаб яшаётган оилалар қанчалик мустаҳкам экан, озод ватанимиз шунчалик қудратли бўлаверади.

Ишончим комилки, кириб келган янги — Мустаҳкам оила йилида бу йўналишдаги хайрли ишлар кўлами ортади.

## «Яхши» деса, хотиржам бўлар

Эрталаб кимдир дарвозани оҳиста чертди. Бир неча кундан бери бетобланиб тўшакда ётган Розия ая ёнида ўтирган набирасига «эшикни оч» дегандек ишора қилди. Қўшни келинчак экан, қўлида идишча. Салом бериб беморнинг аҳволини сўради. «Қайноққина сут олиб чиқдим, ичиб олинг, шамоллашингиз ўтиб кетади», деди. Ая келинни алқаб дуо қилди. Сўнг астойдил омонлашди.

— Болам, уйингиздагилар яхшими? Куёвим ишига бориб-келиб турибдими, қудаларимнинг танжонлари соғми? Гўдагингиз билан қийналмаяпсизми?

Келинчак қўлини кўксига қўйиб жилмайганча «Шукр, раҳмат» деб турарди.

У чиқиб кетиши билан набира дарров кулиб юборди.

— Бувижон, шу уйга ким келса дарров сўроққа тутиб уйидагиларини бирма-бир сўраб чиқасиз-а? Ана чет эл киноларини кўринг, биронтаси бир-биридан аҳволини сўрамайди, бошқаларининг оиласи билан ҳам ишлари йўқ. Сиз нимага бунақасиз?

Набирасининг ажабтовур гапларини эшитган ая табассум билан деди:

— Битта мен эмас, биз, ўзбекларнинг баримиз шунақа, қўзичоғим. Хўш, сўраб-суриштирсам, нима бўпти? Ҳар инсоннинг оиласи тинч бўлса, ўзиям тинч бўлади. Эрталаб хонадонидан кулиб чиқса, кун бўйи яйраб юради, иши юришади, ёнидагиларгаям яхши гапиради. Агар уйида тинчлик бўлмаса-чи? Кўзига дунё зимистон кўринади. Бундай аҳволда бўлса, таскин берамиз, кўнглини кўтарамиз, тўғри йўлга бошлаймиз. Хатосини тушуниб, оиласидаги жанжалли ишни ҳал қилади, юзу кўзига яна кулги югуради. Ишқилиб ким бўлсаям «оилам тинч, бола-чақам омон, ҳаммамиз яхши юрибмиз», деса бас, мен хотиржам бўламан. Айт-чи, шу ишим, сенингча, тўғрими ё нотўғри?

Набира «тўғри-тўғри» дегандек бош силкиди...

## Ойнинг ўн беши ёруғ

— Мен турмушга чиққан пайтларда замон жуда оғир эди, — дейди бошидан ўтганларни эслаб Гулчирой момом. — Ўша йилнинг саратони оловдай ёндирди, қиши ҳам қаҳратон бўлди, «туф» десанг, тупугинг қотарди. Сув танқис, ҳосил пишмаган, борини ҳам чигирткалар талаб кетганди. Хуллас, бир тишлам нон топиш мушкул. Ўн уч жон битта қозондан овқат ер эдик. Тирикчилик ўтмай шунчалар қийналдикки, айтгилиги йўқ...

Момом жимиб қолади. Суҳбат давомини кутиб сабрим чидамайди.

— Кейин нима бўлди?

— Ўзаро ҳамжиҳатлик билан қийинчиликларга ечим топдик. Дўппи тикардим, қайнонам бозорга олиб чиқарди. Эркаклар турли юмушларни бажаришди. Ҳалол йўл билан тирикчилигимизни яхшиладик. Оилада ҳамма бирлашиб ҳаракат қилса, машаққатни енгиш осон бўларкан. Ойнинг ўн беши ёруғ дейишган-ку ахир.

Гулчирой момомнинг айтишича, турмуш изга тушгач, катталар уй-жой қуриб тўйлар қилишибди, кичиклар турли ҳунарларнинг бошини тутишибди. Ўн уч жон кўпайиб бир қишлоқча бўлибди.

Ҳалигача тўй-маъракаларда баҳамжиҳатмиз. Йиғилсак суҳбатимиз тонггача тугамайди. Бир-бировимизни йўқлаб, соғиниб юрамиз. Аҳиллик ҳам наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтар экан, болам.

Момомнинг илдизи бақувват улкан бир дарахтга ўхшаб кетадиган хонадонига ич-ичдан ҳавас қиламан.

## Кўнгилга йўл

Ҳикоят қилишларича, бир киши аёлининг инжиқлигига тоқат қилолмай уйдан чиқиб кетибди.

«Бўлди, етар, сабрнинг ҳам чегараси бор. Ёш болалари билан менсиз бир қанча вақт азоб тортсин!» деб хаёл қилибди.

Сўнг аҳволидан хабардор қилмоқ учун устозининг уйига йўл олибди. Дарвоза тутқичига қўл узатиши билан ичкаридаги қаттиқ-қуруқ гап-сўзларни эшитиб, тўхтаб қолибди. Кўрсаки, устозининг аёли бақириб-чақириб эрини нимададир айблаётган экан. Энди кетмоқчи бўлиб турганида устози чиқиб қолибди. Шогирд дебди:

— Аёлимдан азият чекиб, дардимни айтмоқчи бўлиб келувдим, қарасам, сиз ҳам шу аҳволда...

— Турмушда ҳамма нарса бўлиб туради, биродар. Қаранг, аёлларимиз эрта тонгдан кечгача шу уй-жойни, болаларни деб куйиб-пишади. Нозик жуссасида бир дунё юк, бизнинг парваришимизга ҳам вақт топади. Баъзан инжиқлигини ҳам кўтаришимиз керак-да. Биз, эркаклар калта ўйламайлик, елкамизда оила масъулияти турибди, шундай эмасми!?

Устозининг гап-сўзидан таъсирланган ҳалиги одам ортига қайтибди. Йўл-йўлакай дўкондан болаларига мева-чева, аёлига атир упа харид қилиб, уйига равона бўлибди.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши



*Юртдошларимизни Янги – 2012 йил билан самимий муборакбод этади. Янги йилда барчангизга соғлик-саломатлик, Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.*

*Янги йил барчамизга қувончу шодлик келтирсин!*

# «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоаси

Бунёдкор халқимизни Янги 2012 йил билан муборакбод этади. Янги йил хонадонларимизга қут-барака, юртимизга тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик олиб келсин!



## Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Бунёдкор халқимизни, юртимиз меҳмонларини дилларга қувонч шодлик улашиб кириб келган Янги йил билан табриклайди. Мустаҳкам оила йилида ҳар бир хонадонга оилавий тотувлик, қут-барака, соғлик-саломатлик тилайди. Янги йилдаги кўтаринки кайфият сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.



## Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимизни ва соҳа ходимларини Янги 2012 йил билан қизғин муборакбод этади. Янги йил оилангизга қут-барака, қувонч бахт, сиҳат-саломатлик ва тинчлик олиб келсин!

### «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YOAJ

**«Toshkent mintaqaviy filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда 2011 йил 22 декабр 22-02-95-сонли хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига тегишли, Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5-уй манзилида сақланаётган «Хундай Соната» русумли, 2001 йил и/ч, д/р 10 UZ 747 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 34 120 170 сўм ҳамда «Бронгхам» русумли, 1998 йил и/ч, д/р 10 BI 510 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** — 11 546 168 сўм.

Шунингдек, аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда 2011 йил 29 ноябрдаги 06-6/1-86-сонли хатига асосан Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежига тегишли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май ҚФЙ, Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида сақланаётган «ИЖ-2715» русумли, 1981 йил и/ч, д/р 11 AQ 489 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** — 460 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 31 январ куни соат 10:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 31 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 16 феврал ҳамда 5, 20 март кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» YOAJ «Toshkent mintaqaviy filiali»нинг «Ипотека банк» АКИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452138, МФО 00425, СТИР 200933850, ОКОНХ 83400.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. **Телефон: 233-28-52, 233-20-96. www.rkmb.uz.**

### «BUXORO MULK MARKAZI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли ҳамда 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорлари асосида қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» ОАЖга қарашли Бухоро 7-сон механизациялашган колоннасининг 2011 йил 29 ноябрдаги 02-231-сонли буюртма хатига асосан, Бухоро шаҳар, Файзиобод кўчаси, 4-уйда сақланаётган колоннага тегишли «Уаз-469» русумли, д/р 20 АВ 036 бўлган, 1974 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 452 300 сўм.
2. ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро минтақавий филиалининг 2011 йил 14 декабрдаги 07-30/3284-сонли буюртма хатига асосан, Бухоро шаҳар, Б.Нақшбанд кўчаси, 257-«а» уйда сақланаётган корхонага тегишли «Даймлер бенц» русумли, д/р 20 АР 963 бўлган, 1987 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 500 000 сўм.
3. Бухоро вилоят божхона бошқармасининг 2011 йил 27 декабрдаги 03-7/10-9628-сонли буюртма хатига асосан, Бухоро шаҳар, Б.Нақшбанд кўчаси, 352-уйда сақланаётган корхонага тегишли «Ваз-2106» русумли, д/р 80 356 ААА бўлган, 1995 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 895 900 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 31 январ куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 31 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 7, 14 ва 21 феврал кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Buxoro mulk markazi» МЧЖнинг «Турон банк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000904942748002, МФО 00111, СТИР 302127400.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:** Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, «Buxoro mulk markazi» МЧЖ. **Телефонлар:** (8-365) 223-71-36, 223-71-30.

Ishonch
2012-yil 1-yanvar № 1-2 (3039)

# Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

*Барча юртдошларимизни, жумладан, йўли эзгуликка туташ таълим тизими заҳматкашларини, фанимиз фидойилари ва талаба-ёшларни Янги йил билан самимий табриклайди.*

**Янги йил — Мустаҳкам оила йили ҳар бир оилага кут-барака, сиҳат-саломатлик, бахту саодат олиб келсин. Қалбингизни эзгулик ва маърифат нури чароғон этаверсин.**

## Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Ҳаммага қувонч бағишлаб кириб келган Янги йил муносабати билан соҳа ходимларини, барча юртдошларимизни муборакбод этади.*
*Истагимиз – янги йилда дилда туғилган эзгу-ниятлар ўз ижобатини топсин.*
*Кўнгилларимизни меҳру муҳаббат, самимият ҳеч қачон тарк этмасин!*
*Мустаҳкам соғлик, хушкайфият ҳамиша йўлдош бўлсин!*

## Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

**Бутун халқимизни 2012 йил билан муборакбод этади. Янги йил хонадонингизга бахту иқбол, фаровонлик олиб келсин. Жонажон Ватанимиз янада равнақ топаверсин!**

# Ёзёвонга қўнган космик кема Болтиқ денгизи тубида

**Чексиз коинот, ақлли жонзотлар билан... алоқа чиндан ҳам борми?**
**Ёки бу хаёлот меваси холосми?**

Мессопотамиядаги кўҳна афсоналарда, хусусан, «Гильгамеш ва Энкиду» достонида осмондан тушган одамлар ҳақида гап боради. Сопол қўлёзмаларда эса замонавий космонавтлар кийимидаги кишилар тасвирланган.

Хуллас, коинотдан келган онгли жонзотлар ҳақидаги маълумотлар инсониятнинг ўзидай қадим ва кўп қиррали. Олимлар бу борада қизиқ бир қонуниятга дуч келишди. Қачонки, жамият ҳаётида оғир, таҳликали, ҳал қилувчи жараёнлар авжига чиқса, самодан ташриф буюрувчи онгли мавжудотлар тўғрисидаги гап-сўзлар кўпаяр экан. Узоққа бормайлик. Ўтган асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллар бошларида собиқ совет тузуми инқирозга юз тутган маҳаллар шундай ҳол юз бермадими? Кашпировский ва бошқа башоратчилар, коинотга оид турли воқеа-ҳодисалар, «учар тарелка»лар оқимининг бениҳоя кўпайиши... Шу сатрлар муаллифи ҳам республика марказий газетасида «Ёзёвонда учар тарелка...» номли мақола билан чиққан ва унда Ёзёвон туманида яшовчи бир ўқувчи қизнинг коинотдан келиб қўнган «учар тарелка»га чиққани, ундаги жонзотлар билан муомала қилгани ҳақида битилган эди. Ушбу ҳолатдаги энг муҳим нарса — ўзимиз ҳам бу ҳодисага чин дилдан ишонганмиз! Наҳотки, бу гаплар тўқима, оддий ёлғондан иборат бўлган?

**Бу дунёнинг сирлари**

Яқинда Болтиқ денгизи тубидан топилган ғаройиб объект атрофида шов-шув кўтарилди. Маълум бўлишича, швециялик сув ости археологи Питер Линдберг Болтиқ денгизидаги Ботник қўлтиғидан сирли нарса топган. Уни сув ости археологи ҳалокатга учраган номаълум учувчи объект, дея баҳолади. Питер Линдберг раҳбарлигидаги швед археологлари ушбу объектни суратга оладилар. Денгиз сатҳидан 62-92 метр чуқурликда ётган тарелкасимон жисм атрофидаги ер кавлаб ташланган. Афтидан «тарелка» учишга уринган, аммо қандайдир техник носозлик туфайли бу амалга ошмаган.

Айримлар ушбу объектни юз йил муқаддам Болтиқ денгизида рус ҳарбий флоти таркибида бўлган иккита айлана шаклидаги қўриқчилик кемаларидан бири, дея баҳолашди. Бироқ архив маълумотларига кўра, ўша кемалар ҳозир денгиз тубида ётган тарелкасимон жисмдан бир ярим баравар катта бўлган. Иккинчи жаҳон уруши даврида немислар учар тарелка яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Лекин нацист олимларининг коинотда ва океан бўшлиқларида ҳаракатлана оладиган дисколетлар яратганлиги ҳақидаги маълумотлар афсонадан бошқа нарса эмас.

Маълум бўлишича, НУЖлар соатига 100-1000 гк тезликда учади. Таъкидлаш лозимки, ер юзидаги энг учқур қирувчи самолётлар атиги 7-8 гк тезликка эриша олади, холос. Инсоният ихтиёридаги ҳар қандай мустаҳкам учувчи объект 20-30 гикокилометр тезликда парчаланиб кетади. Демак, НУЖлар мутлақо хаёлимизга келмаган усулда, бизга номаълум материаллардан тайёрланган. Москвадаги «Космопоиск» умумроссия жамоатчилик илмий-тадқиқот бирлашмаси раҳбари Вадим Чернобровнинг таъкидлашича, 2000-йиллар бошида НУЖлар Қора денгизга қўнишган. Кейинчалик текширилганда денгиз тубида диаметри 25-75 сантиметрли бетондан тайёрланган ёки тошдан йўнилган, юқори қисмида тушунарсиз белгилар қўйилган шарлар топилган. 1996 йили Челябинск шаҳри атрофидаги ботқоқликларда ҳам НУЖлар кузатилган. 2004 йили шу жойлардан тахминан 10 метр чуқурликда диаметри 4 метр, баландлиги 2 метрли тарелкасимон объект топилган. Бироқ бу объектни ботқоқликдан чиқариб олиш мумкин бўлмаган.

Уралдаги Котельниг шаҳарчаси яқинида динозаврлар қабристони бор. Бу ерда бундан 260 миллион йил илгари яшаган жонзотларнинг скелетлари, суяклари тўпланиб қолган. Ҳар йили май-июн ойлари сел сувлари тупроқни ювиб динозаврларнинг суякларини очиб юборади. Шу ойларда қадимшунос олимлар экспедициялари динозаврлар қабристонида ишлаб, қадимий ҳайвонларнинг бутун скелетлари, суякларини йиғади, илмий жиҳатдан текширади.

— Энг қизиғи, олиб бораётган тадқиқотларимизга бошқа олам вакиллари ҳам қизиқишади, — дейди ВЯТСК палеонтология музейи директори Альберт Хлюпин. — Бошимиз узра НУЖлар бетиним парвоз қилади. Уларни оддий кўз билан кузатиш мумкин. Баъзан НУЖлар спиралсимон, баъзан эса сакраб-сакраб учади. Учар объект бирдан тўхтаб, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартирган дамлар ҳам учрайди.

Полеонтологлар телескоп орқали кузатишганда тарелкага ўхшаш, ўз ўқи атрофида айланадиган ва бетартиб тарзда олға интиладиган НУЖлар намоён бўлди. Динозавр скелетларини қидирувчиларнинг ҳаммаси ҳеч бўлмаса бир марта уларни кўрган. Хўш, динозаврлар қабристони билан учар объектлар орасида қандай боғлиқлик бор?

— Динозаврлар бундан 65 миллион йил илгари йўқ бўлиб кетган, — дейди А.Хлюпин. — Энг кўп тарқалган илмий фаразга кўра, бу воқеа улкан астероид Мексикадаги Юкатан ярим оролига қулаган даврда юз берган. Фан оламида туғилган ғоялар бўйича ўшанда динозаврлар ҳалок бўлмаганда, онгли мавжудотларга айланиши мумкин экан. Илмий тадқиқотлар бўйи-басти одамга яқин бўлган динозавр тури — Стеконихозавр худди биз ўзга оламдан келганларни учратган одамлар тасвирлаган кўринишда бўлганлигини тасдиқлайди. Бўйи 1,5 метр атрофида, кўзлари чуқур жойлашган. Совуқ қон, тухум қўйиш йўли билан кўпаяди.

Ўзга оламлардан учиб келадиган мавжудотлар ўша стеконихозаврлар билан алоқада бўлганмикин? Ёки ўшаларнинг авлоди ҳам бўлиши мумкинми? Котелинг шаҳри атрофидаги динозаврлар қабристони тадқиқотчилари мана шундай баҳсли фикрларни ҳам эълон қилишган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллар бошларида совет сув ости кемаларининг Швеция территориал сувларига бостириб кираётганлиги ҳақида шов-шув ва норозилик ҳаракатлари кучайди. Шведлар совет сув ости кемаларининг Швецияга қарашли денгиз ҳудудларида худди ўз уйида сузгандек сузаётганлиги, баъзан эса сув остидан тўппа-тўғри осмонга парвоз қилиб, қайтиб швед сувларига шўнғиб ғойиб бўлаётгани ҳақида ваҳима кўтаришди. Халқаро матбуот саҳифалари бу борадаги хилма-хил воқеа-ҳодисаларга тўлиб тошди. Икки давлат орасидаги муносабатларга совуқлик тушди. Бироқ СССР ҳарбий денгиз флоти раҳбари шведлар ўша осмонга учиб-сув тагига кириб ғойиб бўладиган кемани ўққа тутиб, чўктириб юборишса, хурсанд бўлажагини билдиради. Бир ҳолга эътибор беринг, ўша воқеалар ҳозирда сув тубига чўккан ва швед денгиз археологи Питер Линдберг топган НУЖ кемаси ётган жой — Ботник қўлтиғида бўлган эди. Иккинчи ҳол: Ёзёвонга қўнган «Учар тарелка» воқеаси ҳам худди ўша йили пайдо бўлган эди...

**А. ИБОДИНОВ**









# Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 1-yanvar № 1-2 (3039)

O'ZSANOATQURILISHBANK

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ азиз юртдошларимизни янги 2012 йил билан муборакбод этади ва Сизларга қуйидаги кулай шартли омонатларни таклиф этади.

| МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР | САҚЛАШ МУДДАТИ | ОМОНАТЛАР МИҚДОРИ | ИЗОҲ |
|---|---|---|---|
| "Болаларнинг мақсадли омонати" | 10 йил | Чекланмаган | Имтиёзли таълим кредити берилади |
| "Лидер" | 6 ой | Чекланмаган | Қўшимча нақд пул маблағи қабул қилинади |
| "Коммунал хизматлари тўловига" | 2 йил | Чекланмаган | Нақд пулсиз коммунал тўловларига ўтказилади |
| "Мадад-4" | 9 ой | Чекланмаган | Омонатнинг муддати тугагандан сўнг бонус тўланади |
| "Баркамол-1" | 3 ой | Чекланмаган | |
| "Хамкорлик" | 12 ой | Чекланмаган | |
| **ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР** | **САҚЛАШ МУДДАТИ** | **ОМОНАТЛАР МИҚДОРИ** | **ИЗОҲ** |
| "Манфаат-2" | 7 ой | Чекланмаган | Фоизлар омонатлар муддати тугагандан сўнг Ўз.Республикаси Марказий банки курси бўйича тўланади. |
| "Истиқлол-2" | 3 ой | Чекланмаган | |

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБда сақланаётган аҳоли омонатлари "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланган.

Қўшимча маълумотларни www.uzpsb.uz сайтидан ва 120-45-42 телефони орқали олишингиз мумкин.

## Беваф0 «мушукча»

Адҳам ДАМИН

Янги йил арафаси эди. Соқижон ўша маҳалдаёқ пул тўплаб, машина минишни кўнглига тугиб юрарди. Йўли топилгандек бўлди.

Катта ўғли Боқижон институтга, қизи эса ҳозирда коллеж деб аталадиган билим юртига ўқишга кирган. Бозордан сотиб олган «мушукча»ни уй ўртасидаги стол устига қўйиб, оила аъзоларини янги йил билан қутлаганди.

— Тома-тома кўл бўлур, дейди машойихлар, — дея қўшимча қилганди «мушукча» бўйнидаги танга ташлайдиган тирқишчани силаганча. — Ҳар ойда маош олганимда унга мана шу ердан пул ташлаб тураман. Сен Боқижон стипендия олганингда қўшасан. Синглинг ҳам қўшади. Хотин, сен ишламасанг ҳам ўрнингга танга ташлаб тураман...

— Бизга берсангиз, биз ҳам ташлаймиз! Бошқа болалари ҳам шодон чуғурлашганди ўшанда.

Аммо эрининг қўлидаги сетка тўла масалликлар, қази-қарталарни кўриб, кўнгли жойига тушди. Бир неча кундан буён уйга қуруқ келмаётганини эслаб бир суюнди, бир ажабланди... Авваллари хасисгина эди. Айниқса, болалари талабалигида... Сўнг «мушукча» турган уйга кириб, унинг олдида чордона қуриб ўтирганча боши-ю кўзини силаб ўтиришини пайқаб, яна ҳар хил ўйларга борди. Лекин кўнглидагини бировга билдирмади. Нима бўлганда ҳам эри, «Қўшнингга айтсанг қўшади, овулингга айтсанг ошади», деган гаплар бор...

Оқшомга яқин ҳамма залга жам бўлишди. Турмушга чиқиб кетган қизлари ҳам бу гал отасининг илтимоси билан эри ва болаларини олиб етиб келишган.

— Қани, хотин, ўртага қизил дастурхонни ёзинг-чи, — деди Соқижон хотинини илк бор сизлаб.

Хотини унинг айтганини қилди. Чўғдай қизил дастурхон барчанинг кўзини оларди.

# Бевафо «мушукча»

Айтилган гап — отилган ўқ! Йиллар ўтди. Соқижон ваъдасида турди: ўзи ҳам ташлади, бошқаларга ҳам ташлатди. Йигирма йил ичида кичик болалари ҳам талаба бўлишди, катталари ўқишни битириб, ишга киришди. Шунда ҳам улар «мушукча»ни унутишмади. Замонлар ўтиб пул алмашди, тангалар танқис бўлгач, йирик-йирик қоғоз пуллар хазинага кира бошлади...

«Бу янги йилда «мушукча»ни боқа бошлаганимизга роппа-роса йигирма йил бўлади, — бош қашиб ўйлай бошлади у. — Ахир менинг ташлаганимнинг ўзи бир йилда фалон пул бўлади, хотиниму ўғил-қизлариминики қўшилса оламжаҳон! Йигирма йилда эса... Шунча бойликни бағрига сиғдирган «мушук»бойга раҳмат! Бу пайтлар «Москвич» у «Жигули»ларни орзу қилгандим, энди ўзимизнинг «Тико», «Дамас», «Нексия», «Эпика»лар кўчаларни тўлдирди... Албатта, бу «мушукполвон» ичида ҳеч бўлмаса «Нексия»га етадиган пул бўлиши керак...»

У «мушукча»нинг мешдай қорнини силаб, узоқ хаёл сурди. Сўнг бир тўхтамга келди: «йигирма йил — юбилей сана. Янги йил киришидан олдин барчани жамлаб, бойликни дастурхонга тўкиб, «сюрприз» қилай. Давраларда энди у ҳам машинаси бор оғайниларидек кўкракни кериб ўтиради, «наҳорги ош»ларга ҳам такси кира қилиб ёки бировларнинг машинасига илакишиб юрмайди...»

31 декабр! Унинг хурсандчилигини билгандек қор ҳам роса ёғиб берди. Соқижоннинг бир неча кундан бери ғалатироқ бўлиб юрганидан, гоҳида ўзига-ўзи гапириши, ҳатто тунлари алаҳсирашидан ҳайрон бўлиб юрган хотини ишдан вақтли қайтганини кўриб, янада ҳадиксиради.

Лекин дастурхон стол устига эмас, ерга ёзилганидан барча ажабланди.

— Боқижон улим, қани «мушукбойвуччани» келтиринг-чи, — деди.

«Мушукча» дастурхонга чиққач, Соқижон уни олиб келган кун ва ўтган йиллар ҳақида узоқ ваъз ўқиди. Унинг ичида бир машинага тенг хазина борлигига шаъма қилиб ўтди.

Хуллас, шунча йил нон-сув демай, токча тўрида умргузаронлик қилган «жонивор» Соқижоннинг арралаши туфайли бошидан айрилди. Соқижон уни даст кўтариб, арраланган бўйнини ерга қилиб силтади. Тангалар ҳар томонга сочилиб кетди. Бир уюм қоғоз пуллар ҳам тангаларга аралашиб, дастурхонни тўлдирди. Барчанинг кўзидан ўт чақнади...

Соқижон борлиқни унутиб, пулларни санай кетди. Санаб бўлгач, қути ўчди.

— Наҳотки... беш юз минг сўмга зўрға етса. Қани у, мен кутган миллионлар. Ичида мингталиклар мунча кам! Нуқул йирик пуллар ташлагандим-ку!

Соқижон ўтирган жойида бошини чангаллаганча атрофдагиларга қаради. Ҳозиргина шу ерда бўлган ва бир вақтлар талабалик гаштини сурган болаларидан бирортасининг ҳам қораси кўринмасди...

У ҳалиям нима бўлганини билолмай, ҳеч кимга парвосиз мушукнинг бошсиз танасини боши узра кўтарганча айлантириб кўрди. Шунда унинг орқа томонидан ҳам бўйнидагидан-да кенгроқ тешикни кўрди-ю, эси оғиб «гуп» этиб йиқилди.

Сув сепиб ўзига келтиришганда, ётган жойида «мушук»ни қучоқлаб олди-да, биринчи айтган гапи шу бўлди:

— «Мушукчам» — менинг «Нексия»м!

Шу пайт соат ўн иккига бонг урди...

## Байрам ҳазиллари

● Икки бола суҳбатлашмоқда:

— Янги йилда қанақа кийимда бўласан?

— Шрекнинг кийимида.

— Маска сотиб олдингми?

— Ҳали улгурмадим. Сенчи, қандай кийимда бўласан?

— Шаҳзода қиёфасида.

— Маска сотиб олдингми?

***

● Самолёт қўнишга ҳозирланаётган пайтда йўловчи иллюминатордан қараб қўрқиб кетди ва стюардессани чақирди:

— Бу нимаси, биз йўналишни ўзгартирганмидик?

— Йўқ, нега унақа деяпсиз?

— Ҳозир биз Гавайида бўлишимиз керак эди-ку! Бизнинг пастимизда эса қор.

— Ўзингизни босинг, шунчаки бу ерда олигархлар Янги йилни кутиб олишаяпти...

***

● 1 январ. Касалхонада эрталабки кўрик бўлаяпти. Шифокор палатага кириб рўйхатга қаради:

— Бўриев шу ердами?

— Ҳа, мен.

— Фамилиянгиз?

***

● 1 январ тонги. Стол устида эслатма қоғози:

P.S Нонушта музлатгичда.

P.P.S Музлатгич ошхонада.

***

● Янги йил кечасида телефон алоқаси бўлаяпти:

— Алло, бу суғурта компаниясими? Айтинг-чи, уйимизни телефон орқали ҳам суғурта қилишимиз мумкинми?

● — Йўқ, бундай бўлмайди. Ҳозир биз сизларнинг уйингизга вакилимизни юборамиз, сизлар билан шартнома тузиб келади.

— Яхши, юборинг, фақат тезроқ келсин. Бўлмаса, ёнаётган арчадан олов гиламга ўтиб кетиши мумкин.

***

● — Мен севгилимга аталган совғани арчанинг тагига қўйиб келдим.

— У аллақачон олгандир?

— Йўқ, ҳали ҳам у совғани излаяпти. Ахир тайга катта-ку!

# «Янги йил» кроссворди

**Диагонал бўйича ўнгга: 1.** Мучал ҳисоби бўйича бошланаётган йил номи. **4.** Бошланаётган йилга хос, ҳар тўрт йилда такрорланадиган йил. **7.** Қорбобонинг набираси. **30.** Янги йил энг кейин кириб келадиган сайёрамиздаги ярим орол.

**Диагонал бўйича чапга: 2.** Ёриткич асбоб. **4.** Ишчи ва хизматчиларни меҳнат соҳалари, касблари бўйича бирлаштирувчи ва улар манфаатини ҳимоя қилувчи уюшма. **31.** Вақт ўлчови бирлиги.

**Бўйига: 3.** Кун пайтини бошлаб берувчи коинот жисми. **5.** Оммавий қўшиқ. **6.** Байрам, шодиёна кун. **7.** Янги йил дарақчиси. **8.** Баҳорий тенг кунликда кутиб олинадиган шарқона янги йил. **13.** Мўғилистонда янги йил дарақчиси ҳисобланувчи касб эгаси. **14.** Дастурхон безаги. **15.** Хамирли, миллий тансиқ таом. **25.** XXX ёзги халқаро олимпиада спорт ўйинлари бўлиб ўтадиган пойтахт. **26.** «Ўригидан данаги ширин», — дея эъзозланадиган авлод. **32.** Ота-бобони давом эттириб келаётган насл, аждоднинг давоми. **33.** Сайил ва тантаналарда гумбирлаш билан турфа рангда самода акс этадиган мослама. **34.** Байрам сайилларида ўтказиладиган миллий беллашув спорти. **35.** Қуёш ботган пайт.

**Энига: 5.** Янги йилда безатиладиган дарахт.

**«Занжир» ҳолида: 9.** Кузатилган йилнинг қитъамиздаги энг яхши футбол ҳаками мукофоти соҳиби, ватандошимиз. **10.** Фурсат, замон. **11.** Мамлакатимизда энг улкан арча безатиладиган маскан. **12.** Янги йил биринчи бўлиб кутиб олинадиган давлат пойтахти. **16.** Таваллуди кунига 1225 йил тўладиган риёзиёт ва фалакиёт алломаси, алгебра фанига асос солган ватандошимиз. **17.** Воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтган даврлари бўйича қайд этилган манба. **18.** Таваллуди кунига юз йил тўладиган, Алишер Навоийнинг «Хамса» достонлари қаҳрамонларини мўйқаламда гавдалантирган устоз мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми. **19.** Янги йил турли вақтларда нишонланадиган Осиё қитъаси жанубидаги мамлакат. **20.** Тонг ёришган пайт. **21.** Қамария йили ҳисобидаги еттинчи ой номи. **22.** Йил фасли. **23.** Янги йилни биринчи январда нишонлашни бошлаб берган Европадаги қадимий пойтахт шаҳар. **24.** Олқиш, мақтов. **27.** Бошланаётган йилда етмиш ёшга тўладиган Ўзбекистон Халқ шоираси, публицист, таржимон. **28.** Таваллуди кунига юз йил тўладиган адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик. **29.** Таваллуди кунига 95 йил тўладиган атоқли шифокор жарроҳ, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. **36.** Таваллуди кунининг 90 йиллиги нишонланадиган устоз созанда, Ўзбекистон Халқ артисти. **37.** Таърифлаш, тавсиф этиш. **38.** Миллионлар ўйини.

### Муаммонома

**Калит сўзлар: 1.** Бошланаётган йилда таваллуди кунига 95 йил тўладиган Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ҳамда Туркманистон Республикаларининг халқ артисти, устоз хонанда ва созанда, бастакор — **19, 7, 3, 8, 4, 16, 21, 19, 11.**

**2.** Таваллуди кунига юз йил тўладиган ҳужжатли кино санъатининг атоқли оператори ва режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти, жамоат арбоби — **24, 3, 23, 2, 19, 11.**

**3.** Ҳафта куни — **1, 5, 18, 3, 8, 17, 3.**

**4.** Мусиқа жўрлигида занг урадиган соат — **14, 5, 22, 3, 8, 7.**

**5.** Оммавий халқ томошалари ўтказиладиган кўркам, баҳаво маскан — **9, 3, 13, 4, 6, 15, 19, 20.**

**6.** Сайёрамизнинг кунботар томони — **25, 3, 22, 17.**

**7.** Тонгдан дарак берувчи парранда — **10, 12, 22, 19, 21.**

Энди калит сўзлари жавоблари асосида шаклнинг ички қисмидаги хоналардаги рақамларда ифодаланган муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан табрик сўзларимизни билиб оласиз.

**Фозилжон ОРИПОВ**




Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Abdullayev
Navbatchi: S. Abdurahmonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

ISSN 2010-5002

Bosishga topshirish vaqti -21.00
Topshirildi - 19.00

Буюртма Г — 111

22795 nusxada bosildi

1 2 3 4 5